

3. Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Интернет манба: «prezident.uz». 2020 йил 24 январь.
4. <https://www.irs.gov/newsroom/filing-season-statistics-for-week-ending-november-23-2018>, <https://www.bbc.com/news/business-40117521>, <https://www.make-it-in-germany.com/en/jobs/taxes/income/>, <https://www.statista.com/statistics/466835/number-income-taxpayers-france/>, http://pij-web.net/pdf/stj_eng/1.pdf.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси (Д ҳарфи). 243-бет.
7. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси (Д ҳарфи). 207-бет.
8. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 396-моддаси. – Т.: Адолат, 2021.
9. Жумаев Ш. “Ўзбекистон Республикасида солиқ ислохотларини такомиллаштириш муаммолари ва истиқболлари” мавзусида магистр даражасини олиш учун ёзилган магистрлик диссертацияси. 54-бет.
10. Djankov, Simeon [et al.]. Disclosure by Politicians. // American Economic Journal: Applied Economics 2. April 2010. Pp. 179-209.
11. Ермасова Е.Б. Неравенство в налогообложении доходов физических лиц для нерезидентов. Изв. Саратов. Ун-та. Нов.сер. Экономика. Управления. Право. 2014. Т. 14. Вып 4.
12. Колобаева Ю.Б. Семейный налоговый декларации в налогообложении дохода физических лиц. // Экономика и социум. № 3 (34). 2017.
13. Галютдинова А.С. Семья как участник налоговых правоотношений. // Налогообложение физических лиц. № 6 (96). 2012.
14. Савина О.Н. Семейное налогообложение как инструмент усиления социализации налоговой политики на современном этапе. // Социальная сфера. № 19 (208). 2013. – С. 52-57.
15. Адизов А.Ж. “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизимини такомиллаштириш” мавзусида и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати – Т.: ДЖҚА, 2004. 21-б.
16. Абдурахмонов О.Қ. “Жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар тизими ва уни такомиллаштириш масалалари” мавзусида и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: ДЖҚА, 2005. 21, 40-б.
17. Юлдашев И.С. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2002. 22, 21-бетлар.
18. Усмонова М.С. Жисмоний шахсларнинг даромадларини декларация усулида солиққа тортишни такомиллаштириш. Дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2011. 23, 19, 15-бетлар.
19. Бозоров А.А. Декларация асосида солиқ солинадиган даромадлар ва уларни солиққа тортишни такомиллаштириш. Монография. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардия ҳарбий техника институтини. – Т., 2020. 51-б.
20. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-741-сонли қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (395-модда). Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Т., 2022. – 473 б.
21. <http://www.soliq.uz> – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси расмий сайти.
22. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 30 декабрдаги “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида”ги ЎРҚ-742-сонли қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳар йилги бюджет параметрлари тўғрисидаги қарорлари.



МОЛ-МУЛК СОЛИҒИНИНГ МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТЛАР ДАРОМАДЛАРИДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ

Мейлиев Обид Раҳматуллаевич -
Тошкент молия институти
тадқиқотчиси, доцент

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a27](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a27)

Аннотация. Мақолада маҳаллий бюджетлар даромад базасининг шаклланиши, унда мол-мулк солиғининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Мол-мулкларни самарали солиққа тортиш асосида маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш имкониятлари асосланган. Олиб борилган изланишлар асосида амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: кўчмас мулк, маҳаллий бюджет, маҳаллий бюджет даромадлари, мол-мулк, мол-мулк солиғи, маҳаллий ҳоқимият органлари, маҳаллий солиқлар.

ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ НАЛОГА НА ИМУЩЕСТВО В ДОХОДАХ МЕСТНЫХ БЮДЖЕТОВ

Мейлиев Обид Раҳматуллаевич -
Научный сотрудник Ташкентского
финансового института, доцент

Аннотация. В статье рассмотрено формирование доходной базы местных бюджетов, значение налога на имущество и его научно-практическая основа. Эффективное налогообложение имущества основано на способности обеспечить устойчивость доходов местных бюджетов. На основе исследования разработаны практические рекомендации.

Ключевые слова: недвижимость, местный бюджет, доходы местного бюджета, имущество, налог на имущество, органы местного самоуправления, местные налоги.

*Meyliev Obid Rakhmatullaevich -
Researcher at Tashkent Financial Institute*

Abstract. The article considers the formation of the revenue base of local budgets, the importance of property tax and its scientific and practical basis. Efficient taxation of property is based on the ability to ensure the sustainability of local budget revenues. Based on the study, practical recommendations have been developed.

Keywords: real estate, local budget, local budget revenues, property, property tax, local governments, local taxes.

Кириш. Мамлакат ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашда маҳаллий бюджетларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Маҳаллий бюджетлар даромадларини шакллантириш амалиётида турли манбалардан фойдаланилса-да, уларнинг бирламчи даромад манбаи ҳисобланган маҳаллий солиқларнинг аҳамиятини ошириш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда маҳаллий бюджетларнинг, айниқса, қишлоқ ҳудудларида маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетларни шакллантиришдаги аҳамияти кутилган натижаларни бермаяпти. Бу ўринда маҳаллий солиқ ва йиғимларнинг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги улуши сезиларли даражада эмас.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида “Халқ

депутатлари Кенгашларининг маҳаллалардаги муаммоларни ҳал қилишдаги ролини ошириш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш, маҳаллий бюджетни шакллантириш ва назорат қилиш бўйича уларнинг масъулиятини кучайтириш” асосий мақсадлардан бири сифатида белгиланган [1].

Ушбу мақсадга эришишда, аввало, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига кўпроқ мустақиллик бериш, маҳаллий бюджетнинг даромадлар манбалари ва харажатларнинг аниқ мақсадли ҳамда асосли йўналишини белгилаш, бюджетдан молиялаштириладиган ташкилот (муассаса)ларнинг харажат сметалари оқилона тузилишини таъминлаш, ўз навбатида, бюджетга солиқ тушумлари тушишини назорат қилиш ва шу кабиларни ўз ичига олади.



1-расм. Маҳаллий бюджетлар даромадлари

Республика ва маҳаллий бюджетлари ўртасидаги муносабатларни, боғлиқликни янада такомиллаштириш, шубҳасиз, ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш, улар ўртасидаги иқтисодий номуносабатликка мумкин қадар барҳам беришдан иборат. Бундан ташқари маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини қидириб топиш, солиқ ундиришнинг прогрессив тизимини жорий қилиш ва мавжуд солиқ тушумлари асосини такомиллаштириш соҳасида бир қанча ишлар амалга оширилган бўлса-да, бу ишларнинг ҳақиқий ҳолати ҳали тўлиқ ўрганил-

маган. Шу сабабли маҳаллий бюджетлар фаолияти ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари базасини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш зарурдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мол-мулк солиғи, хусусан, кўчмас мулк солиғини қўллаш муаммолари кўплаб маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, рус олимларидан В.Б.Безруков[2], М.Мишустин [3], А.Н.Майорова[4], И.А.Майбуров ва В.В.Дербенева[5], Н.В.Прокудиналар[6] ўз илмий изла-нишларида кўчмас мулкларни солиққа тортиш

масалаларини тадқиқ қилишган. Мол-мулкларни солиққа тортиш соҳасидаги давлат сиёсати ҳудудлар маҳаллий бюджетларининг даромад қисмини шакллантиришда мол-мулк солиғининг родини оширишга қаратилган.

Бугунги кундаги алоҳида муаммо – баҳолаш методологияси, солиққа тортиладиган мулкнинг айрим турлари бўйича солиқ солинадиган база қийматини энг самарали аниқлайдиган воситаларни танлаш. Ушбу қисмдаги қонунчилик нормалари ва қоидалари етарлича аниқ тартибга солинган ва ишлаб чиқилган қоидаларни ўз ичига олмайди, бу солиқ тўловчилар учун солиқ солинадиган базаларни ҳисобга олиш ва баҳолашда муайян қийинчиликларни келтириб чиқаради [7].

“Кўчмас мулк” тушунчасига таърифларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, уни бошқа мулк турларидан ажратиш турадиган асосий хусусият унинг таркибини ташкил этувчи объектларнинг қўзғалмаслик ҳолатидир. Шунинг учун кўчмас мулк солиғи, биринчи навбатда, солиқ объектининг қўзғалмаслигидан келиб чиқиш хусусиятидан, яъни унинг доимий жойлашган жойига боғланиши билан тавсифланади [8].

Бироқ кўчмас мулкни солиққа тортиш ҳамда унинг бюджет даромадларидаги аҳамиятини таҳлил қилиш билан боғлиқ масалалар хорижий давлатлар амалиётида ҳам етарли даражада қамраб олинмаган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан А.Исламқулов мол-мулк солиғи, биринчи навбатда, чекланган ресурслардан оқилона фойдаланишни таъминловчи, иккинчи томондан корхона фаолиятини тартибга солишга хизмат қилувчи молиявий дастак сифатида эътироф этган бўлса [9], Б.Умаров мол-мулк солиғига таъриф бера туриб: “Мол-мулкларни солиққа тортиш корхонани солиқ билан тартибга солиш бўлиб, махсус ҳуқуқий тартибга эга”, – дея таъкидлаган [10]. У.Пардаев эса маҳаллий бюджетларнинг молиявий мустақиллигини таъминлашда ўз даромадлари тушумини орттириш орқали эришиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини, бунинг учун маҳаллий бюджетларнинг ўз даромадлари, хусусан, мулк ва ер солиғи тушумларини ошириш, барқарорлигини таъминлаш лозимлигини таъкидлайди [11].

Даромад солиғидан фарқли ўлароқ, мулк солиғи бўйича мажбуриятлар муниципалитет томонидан ҳисоблаб чиқилади ва уларни аниқлашда жисмоний шахслар ҳеч қандай роль ўйнамайди. Бироқ солиқ тўловчилар риоя қилиш, яъни солиқ тўловини амалга ошириш ёки бажармасликни танлаши мумкин [12].

Мулк солиғини жорий этиш мулкдорларнинг бир нечта мулкларга эга бўлишга ёки уй-

ларни бўш қолдиришга бўлган рағбатини ўзгартиради ва бу бўш жой даражасига таъсир қилади ҳамда уй хўжаликлари портфелидаги кўчмас мулкнинг родини ҳисобга олган ҳолда, кўчмас мулкка солиқ солиш нархларга потенциал таъсир кўрсатмасдан қолмайди [13].

Тадқиқот методологияси. Таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Мақолада иқтисодчи олимларнинг мол-мулк солиғи ва унинг маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлашдаги аҳамиятини оширишга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, трендли таҳлил даври 7 йилни қамраб олганлиги сабабли мол-мулк солиғининг бюджет даромадларидаги ўрни таҳлил қилинган ҳамда тенденцияси аниқланган ва уларнинг солиқ тўловчилари кесимида шаклланиш манбалари келтирилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Мамлакатда хусусий мулкка асосланган кўп укладли бозор иқтисодиётининг қарор топиши ва ривожланиши жараёнида турли мулк шаклидаги институтларнинг фаол ривожланиши ва тадбиркорлик фаолиятининг кенгайтирилиши, корхона ва ташкилотларни хусусийлаштириш, уларни акциядорлик жамиятларига айлантириш, реал мулк шаклидаги турли мулкдорлар сонининг ўсишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда, мулкчилик муносабатларида амалга ошаётган турли ўзгаришлар, мол-мулкни солиққа тортиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мол-мулк солиғини ислоҳ қилиш солиқ сиёсатида муҳим устувор аҳамият касб этади, чунки даромадларнинг фойдаланилмаган салоҳиятини, шу жумладан, солиқ юкини қайта тақсимлаб олиш ва ҳудудларни босқичма-босқич ривожлантириш орқали амалга оширилади. Ҳудудлар инфратузилмасининг яхшиланиши мол-мулкларни солиққа тортишдан олиннадиган тушумларни янада оширади ва маҳаллий бюджет даромадларининг ўсишига, жумладан, туман, шаҳар инфратузилмасини янада ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшади [14].

Маълумки, мазкур солиқнинг асосий вазифаси маҳаллий бюджетни молиявий ресурслар билан таъминлаш ҳисобланади. Рағбатлантириш роли эса мавжуд мол-мулкдан оқилона фойдаланишни рағбатлантириш ва мулккий табақаланишни қисқартириш ҳисобланади. Ҳар бир субъектнинг мулки шу давлат ҳудудида бўлганлиги туфайли шу давлатга дахлдорлик, шу туфайли давлат хусусий мулкнинг дахлсизлигини таъминлаши ва унинг қонунийлигини назорат қилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари таркиби ва тузилиши [15]

Кўрсаткичлар	2015 йил		2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил	
	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз	млрд.сўм	фоиз
Давлат бюджети даромадлари	36 493,2	100,0	41 043,4	100,0	49 681,0	100,0	79 099,0	100,0	112 165,4	100,0	132 938,1	100,0	164 680,3	100
1. Бевосита солиқлар	8 798,4	24,1	9 852,8	24,0	11 539,4	23,2	15 656,2	19,8	31 676,8	28,2	45 206,9	34,0	58 930,4	35,8
2. Билвосита солиқлар	19 193,8	52,6	21 130,7	51,5	26 133,2	52,6	41 280,4	52,2	46 427,2	41,4	46 428,4	34,9	56 290,5	34,2
3. Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	4 816,1	13,2	5 306,2	12,9	6 867,4	13,8	12 663,4	16,0	19 680,7	17,6	21 257,0	16,0	23 036,4	14,0
4. Юқори даромаддан олинадиган солиқ	652,5	1,8	1 401,9	3,4	1 415,2	2,9	1 528,0	1,9	107,9	0,1	0	0,0	0	0,0
5. Бошқа даромадлар	3 032,4	8,3	3 351,8	8,2	3 725,8	7,5	7 971,0	10,1	14 272,8	12,7	20 045,8	15,1	26 423,1	16,0



2-расм. Мол-мулкларни солиққа тортишнинг объектив зарурлиги

Давлат хусусий мулкни солиққа тортиш йўли билан хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда фуқаролар мулкларини қонунийлиги ва унинг ҳаракатини назорат қилиб боради.

1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин, давлат бюджети даромадлари таҳлил қилинаётган йилларда мунтазам ошиб борган. 2019 йилда давлат бюджети даромадлари шаклланишида сезиларли ўзгаришлар бўлган, яъни бевосита солиқлар улуши 19,8 фоиздан 28,2 фоизгача, ресурс солиқлари улуши 16,0 фоиздан 17,6 фоизгача ошган бўлса, билвосита солиқлар улуши эса 10,8 фоиз бандига камайиб, 41,4 фоизни ташкил этган. Давлат бюджети даромадларида бошқа даромадлар улушининг ҳам сўнгги йилларда ўсишини кузатиш мумкин.

Солиқ сиёсати концепциясининг асосий йўналишлари доирасида давлат бюджети даромадлар базаси солиқ тўловчилар сони таркиби ўзгаришига олиб келди. 2020 йил якуни бўйича давлат бюджети даромадларида бевосита ва билвосита солиқлар улушининг деярли тенглашганлигини, 2021 йилда эса бевосита солиқлар улушининг ошганлигини кўриш мумкин.

2020 йилда ресурс солиқларининг давлат бюджети даромадларидаги улуши камайиб тенденциясига эга бўлиб 2019 йилга нисбатан 1,6 фоизга камайиб 16,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда эса 14,0 фоизни ташкил этиб камайиб давом этган. Бунга сабаб коронавирус пандемияси даврида мазкур солиқлардан имтиёзлар тақдим этилиши билан боғлиқ.

2-жадвал

Мол-мулк солиғининг бюджет даромадларидаги аҳамияти, млрд.сўмда [15]

Кўрсаткичлар	2015 йил	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Давлат бюджети даромадлари	36 493,3	41 043,4	49 681,0	79 099,0	112 165,4	132 938,0	164 680,3
Ресурс тўловлари ва мулк солиғи	4 816,1	5 306,2	6 867,4	12 663,4	19 680,7	21 257,0	23 036,4
Шу жумладан Мол-мулк солиғи	1 393,0	1 659,2	2 129,7	2 606,1	2 360,2	1 974,3	2 457,3

Манба: Ўзбекистон Республикасининг "Очиқ бюджет" портали маълумотлари асосида тайёрланган.

2019 йилгача мол-мулк солиғи бўйича тушумлар мунтазам ошиб бормоқда. Кўриниб турибдики, 2019 йилда Давлат бюджети даромадлари шаклланишида сезиларли ўзгаришлар бўлган, яъни мол-мулк солиғи бўйича тушумлар

2018 йилга нисбатан камайиб 2360,2 млрд. сўмни ташкил этмоқда. 2020 йилда эса мол-мулк солиғи 1974,3 млрд сўмни ташкил этгани ҳолда камайиб тенденцияси давом этган. Бу ҳолат коронавирус пандемияси даврида мазкур солиқ

дан бир қатор имтиёзлар қўлланилганлиги билан боғлиқдир. 2021 йилда эса мол-мулк солиғи бўйича тушумлар 2457,3 млрд сўмни ташкил этиб ўсиш кузатилган.

Деярли барча ривожланган мамлакатларда кўчмас мулкни солиққа тортиш унинг кадастр қиймати асосида амалга оширилиб, бозор маълумотлари ва кўчмас мулк бозорининг маълум бир санадаги ҳолатига қараб белгиланади. Бундай тизим янада прогрессив ва самаралидир. Кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига яқин бўлган солиққа тортилиши шуни кўрсатадики, агар ставкалар тенг бўлса, қимматроқ объект учун катта миқдордаги солиқ олинади ва кадастр ёки баланс қиймати ҳар доим ҳам объектнинг ҳақиқий қийматини акс эттирмайди, бу айниқса, ривожланмаган бозорларда сезилади.

Ҳозирда 130 та давлатда кўчмас мулк солиққа тортилади. Аксарият мамлакатларда бу солиқ маҳаллий бюджетларга тушади ва унинг улуши барча даражадаги бюджетларга солиқ тушумларининг 1 дан 3 фоизгача, жумладан Францияда – 2,17 фоиз, Данияда – 1,85 фоиз, Нидерландия ва Италияда – 1,8 фоиз, Германияда – 1,06 фоиз, Швеция – 0,89 фоизни ташкил этади. Айрим давлатларда эса улуши юқорироқ, жумладан, Буюк Британияда мулк солиғининг улуши давлат бюджетининг 10 фоизини, АҚШда 9 фоизини, Канадада 8 фоизни ташкил қилади. Бу мамлакатларда мулк солиқлари маҳаллий

бюджетларни тўлдиришга сезиларли таъсир кўрсатади. Хусусан, Канадада муниципалитетларнинг маҳаллий бюджетларида бундай солиқларнинг улуши 40 фоизга, Буюк Британияда 30 фоизгача, Францияда 20 фоизгача етади[16].

Солиқларга оид жаҳон фани ва амалиёти шундан далолат берадики, мол-мулкни солиққа тортишнинг вужудга келиши ва ривожланиши бутун тарихи мобайнида унинг вақт чегаралари билан эмас, балки ушбу солиқларнинг аҳамияти билан белгиланувчи даврларга бўлинади.

Мол-мулк солиқларининг барча турлари учун умумийлик шуки, солиқ миқдори мол-мулкдан фойдаланиш натижасида олинadиган даромадга эмас, балки мол-мулк қиймати ёки хусусиятларига боғлиқ бўлиши лозим. Солиққа тортиш учун мол-мулкнинг муайян турига эгаллик қилиш омили асос саналади. Чунки, у даромад ортишидан ташқари мулк эгасига қатор имтиёзлар беради.

Мол-мулкни солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш солиқлар ҳақидаги қонунчиликнинг таркибий қисми бўлиб, мол-мулк солиғини ундиришда давлат солиқ органлари ва солиқ тўловчиларнинг ўзаро муносабатларида юзага келадиган ҳамда юридик шахсларнинг мулкий, шунингдек, давлатнинг бюджет даромадлар қисмини таъминлашга дахлдор манфаатларига таалуқли солиқ муносабатларини тартибга солувчи солиқлар меъёрларининг жамулжамидан иборат.

3-жадвал

Мол-мулк солиғи бўйича тушумларнинг солиқ тўловчилари таркиби бўйича улуши, фоизда [17]

Кўрсаткичлар	2015 й.	2016 й.	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Мол-мулк солиғи	100	100	100	100	100	100	100
Шундан;							
Юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ	75,8	73,2	73,0	72,8	65,8	62,9	61,3
Жисмоний шахслардан олинadиган мол-мулк солиғи	24,2	26,8	27,0	27,2	34,2	37,1	38,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мол-мулк солиғидан тушумларнинг бюджет даромадларидаги улушининг қарийб 70 фоизи юридик шахслар ҳиссасига тўғри келмоқда. Лекин таҳлил қилинаётган йилларда уларнинг улуши камайиш тенденциясига эга бўлган. Улушнинг камайишига пандемия даврида тадбиркорлик субъектларига солиқ имтиёзлари ва преференцияларнинг берилиши сабаб бўлган. 2018 йилда мол-мулк солиғи тўловчи юридик шахслар сони 9261 тани ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб эса уларнинг сони 64966 тани

ташкил этган ҳамда 55705 тага ортган. Бунга сабаб Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясига мувофиқ айланмадан олинadиган солиқ тўловчиларга ҳам мол-мулк солиғининг жорий этилганлигидир. 2020 йилда эса мол-мулк солиғи тўловчи юридик шахслар сони 6 110 тага камайиб, 58 856 тани ташкил қилган.

Шунингдек, мол-мулк солиғи тўловчи жисмоний шахслар сони 2019 йилда 6978,8 минг нафарни ташкил этган бўлса, 2020 йил ҳолатига 162,3 мингтага кўпайиб, 7141,2 минг

нафурни ташкил этган. 2020 йилда карантин чекловлари ва иқтисодий фаолликнинг пасайиши сабабли жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи 73,1 млрд сўмга камайган.

Республика солиқ тизимида 2019 йилга қадар мол-мулк солиқлари тўлиқлигича умумий тартибда солиқ тўловчилар учун жорий этилган. Ушбу тартибдаги юридик шахслар ўз фао-

лиятларида ресурслардан фойдалансалар шунга мос равишда амалда белгиланган мол-мулк ва ресурс солиқларининг барчасини, яъни мол-мулк солиғини, ер солиғини, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни, ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловларни тўлайдилар.

4-жадвал

2020 йилда мол-мулк солиғининг маҳаллий бюджетлар даромадларидаги аҳамияти [18]

№	Худудлар	Маҳаллий бюджетлар даромадлари, млрд.сўм	Мол-мулк солиғи, млрд.сўмда	Улуши, фоизда
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	2743,9	72,4	2,6
2.	Андижон вилояти	2105,9	88,8	4,2
3.	Бухоро вилояти	1782,9	97,7	5,5
4.	Жиззах вилояти	1058,0	50,6	4,8
5.	Қашқадарё вилояти	2468,8	342,3	13,9
6.	Навоий вилояти	1540,9	166,5	10,8
7.	Наманган вилояти	1763,0	76,7	4,4
8.	Самарқанд вилояти	2385,6	157,6	6,6
9.	Сурхондарё вилояти	1605,7	108,5	6,8
10.	Сирдарё вилояти	716,5	45,4	6,3
11.	Тошкент вилояти	2395,5	229,6	9,6
12.	Фарғона вилояти	2677,3	116,3	4,3
13.	Хоразм вилояти	1302,7	76,7	5,9
14.	Тошкент шаҳри	3156,3	345,2	10,9
	Жами	27702,9	1974,3	7,1

Манба: Фуқаролар учун бюджет: 2020 йил ижроси маълумотлари асосида тайёрланган.

Жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, мол-мулк солиғининг мамлакатимиз худудлари маҳаллий бюджетлари даромадларидаги улуши 2020 йилда 7,1 фоизни ташкил этган. Худудлар кесимида таҳлил этадиган бўлсак юқори улуш Қашқадарё ва Навоий вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳрига тегишли бўлиб, мол-мулк солиғининг улуши 10 фоиздан юқорини ташкил этмоқда. Энг кам улуш Қорақалпоғистон Республикасига тегишли бўлиб унинг улуши 2,6 фоизни ташкил этмоқда.

Мулкий муносабатлардаги туб ўзгаришлар даромадларнинг мол-мулкга эгалик қилиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ сифат жиҳатидан янги манбаларни топишни тақозо этади. Бозор муносабатлари шароитида мулкий муносабатлар доирасини, жумладан, солиқ усуллари билан ҳам тартибга солиш механизмини тезроқ яратиш зарур. Улар мол-мулк ва сармоянинг барча турларини, жумладан, уларнинг сотилиши, харид қилиниши, ижарага ва ҳадыга берилиши шаклида ҳаракатланишини қамраб олмоғи лозим.

Солиқ амалиётида умумий тартиб билан бирга алоҳида солиққа тортиш тартиблари ҳам кенг қўлланилиб келиндики, уларнинг фақат бирига (микрофирмалар ва кичик корхоналар учун жорий этилган ихчамлаштирилган солиққа тортиш тизими) ихтиёрий равишда жорий

этилган бўлса, қолганларининг барчаси мажбурий амал қилди. Натижада, шу вақтга қадар хўжалик субъектлари томонидан истеъмол қилинаётган кўплаб ресурслар солиққа тортилмади.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, республика солиқ амалиётида бир неча йиллардан эътиборан қўлланилиб келинган алоҳида солиққа тортиш тартибларида хўжалик субъектларининг мол-мулк ва табиий ресурслардан самарали ҳамда оқилона фойдаланишини рағбатлантиришга қаратилган механизм етарлича ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги фармонида асосан Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан “барча тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этиш”[19] ни белгиланиши хўжалик субъектларининг мол-мулкларини солиққа тортиш орқали улардан самарали ва оқилона фойдаланиш механизмини кучайтиришга ҳамда маҳаллий бюджетлар даромадлари ошишига хизмат қилмоқда.

Кўчмас мулкдан ундириладиган солиқларнинг юқори самарадорлиги асосан солиқ базасининг барқарорлигига боғлиқ. Бу солиқлар бошқаларга қараганда самаралироқ ҳисобланади, чунки улар ресурслар тақсимотиغا камроқ таъсир кўрсатади, хусусан, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва инновациялар ҳақидаги қарорларга таъсир кўрсатмайди[20].

Кўчмас мулк объектларининг бозор қийматига яқин бўлган кадастр қиймати асосида мол-мулк солиғи ва ер солиғини ҳисоблаш механизмини жорий этиш икки босқичда амалга оширилади:


- биринчи босқич (2021-2023 йиллар) – кўчмас мулк бўлган турар-жой фонди объектлари (квартира, якка тартибдаги уй-жойлар, далаҳовли), шунингдек, ушбу объектлар эгаллаган ер участкалари учун;

- иккинчи босқич (2022-2024 йиллар) – яшаш учун мўлжалланмаган алоҳида кўчмас мулк объектлари, шунингдек, бу объектлар эгаллаган ер участкалари[21].

Сўнгги йилларда кўчмас мулк объектларини бозор қийматига қараб, яъни бозорда шакланган кўчмас мулк объектларига бўлган талаб ва таклифдан келиб чиқиб, кўчмас мулк бозори бўлмаган чекка ҳудудларда объектнинг қурилиш қиймати асосида баҳолашни амалга ошириш мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сонли фармонида кўчмас мулк объектларига солиқ солишни янада такомиллаштириш мақсадида ер солиғи ва мол-мулк солиғини ўрнига кўчмас мулк солиғини киритиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 29 декабрдаги ЎРҚ-741-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни билан кўчмас мулкка нисбатан солиқ базаси 1 кв. метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам миқдори белгиланди.



3-расм. Бинолар ва иншоотлар 1 кв.метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам миқдори[22]

Бугунги кунда кўчмас мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қиймати, 1 кв. м учун белгиланган минимал миқдордан паст бўлмаган қийматда солиқ ҳисоб-китоби учун база бўлиб хизмат қилади. 1 кв.метр учун мутлақ миқдорда белгиланган энг кам миқдори Тошкент шаҳрида 2,5 млн сўм, Нукус шаҳри ва вилоят марказларида 1,5 млн. сўм, бошқа шаҳарларда ва қишлоқ жойларда эса 1 млн. сўмни ташкил этади.

Бу тартибнинг амалга киритилиши аввало кадастр ҳисобининг тўлиқлигига ва ҳаққоний солиқ базасига эришиш имконини беради ҳамда бозор нархлари асосида аниқланадиган кадастр қийматига ўтишни назарда тутаяди.

Бу эса ўз навбатида, солиқни кўчмас мулк объектлари қийматидан келиб чиқиб адолатли

тақсимлашга эришиш орқали маҳаллий бюджетлар даромадлари барқарорлигини таъминлаш, солиқ тўловчилар учун солиқ юкини тенглаштириш ҳамда ҳалол рақобат учун тенг шароитлар яратиш имконини беради.

Хулоса ва таклифлар. Бугунги кунда мол-мулк солиғининг бюджет даромадларидаги аҳамиятини ошириш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим;

- мол-мулк солиғи ставкасини солиқ тўловчилар мол-мулкни қайта баҳолаш натижалари ва самарадорлик даражасини ҳисобга олган ҳолда белгилаш мақсадга мувофиқ. Чунки, қайта баҳолаш ва самаралилик кўрсаткичларининг даражасига қараб белгиланадиган солиқ ставкаси, қайта баҳолашдан кейинги йилларда

амалдаги солиқ ставкасига нисбатан пастроқ ўрнатилиши керак ва бу ставка даврий қайта баҳолашни инобатга олган ҳолда ўзгармас ҳарактерга эга бўлиши лозим. Тўғри, мол-мулкдан олинadиган солиқ ставкасини белгилашга бундай ёндашиш солиққа тортиш билан боғлиқ жараёни бир оз мураккаблаштиради. Лекин масалага реал вазиятни ҳисобга олган ҳолда ёндашиш зарурлигини эътиборга олсак, иш тутишининг бу шакли мақсадга мувофиқ;

- кўчмас мулкнинг қийматини бозор механизмлари асосида баҳолаш тизимига ўтиш, кўчмас мулкни солиққа тортишнинг прогрессив механизмини жорий этиш, мулк солиғидан амалдаги самарасиз имтиёзларни бекор қилиб, кўчмас мулкнинг “солиққа тортилмайдиган қиймат” миқдорини белгилаш каби чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ;

- фуқаролар ўртасида кўчмас мулк, кўчмас мулкнинг моҳияти, шунингдек уй жойларни

қуриш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби, янги қурилган уй жойларни давлат рўйхатидан ўтказмаганда қўлланилиши мумкин бўлган жазималар ҳақида кенг тушунтиришлар олиб бориш, оммавий ахборот воситаларида рекламаларни жонлантириш зарур;

- хорижий давлатлар солиқ тизимидаги маҳаллий солиқлар бўйича орттирилган бой тажрибаларни миллий иқтисодиётимиз хусусиятини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Хорижий давлатлар солиқ тизимида маҳаллий солиқлар бюджет даромадларида катта салмоқни эгаллаб, бу давлат маҳаллий ҳокимиятларнинг солиқ ҳуқуқлари кенглиги билан изоҳланади. Фикримизча, мамлакатимизда маҳаллий ҳокимият органларига ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожланиш шароитидан келиб чиқиб маҳаллий солиқларни белгилаш, солиқ ставкаларини мустақил ўзгартириш каби ҳуқуқларни татбиқ этиш зарур ҳисобланади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони.
2. Безруков В.Б. Введение налога на недвижимость и риски двойного налогообложения // *Налоговая политика и практика*. 2011. № 5.
3. Мишустин М. Система администрирования налога на недвижимость и налоговой оценки в регионе (на примере Штата Массачусетс, США). // *Экономическая политика*, 2008. № 1.
4. Майорова А.Н. От налога на имущество юридических лиц к налогу на недвижимость. // *Экономика и предпринимательство*, 2014. № 11-2 (52-2).
5. Майбуров И. А., Дербенева В. В. Практика определения основных элементов налога на недвижимость: зарубежная палитра. // *Налоги и финансовое право*. 2012. № 3.
6. Прокудина Н.В. Налог на недвижимость: в Европе и России. // *Механизация строительства*, 2010. № 10.
7. Бобошко Н.М. Методология оценки и контроля в системе имущественного налогообложения. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук. – Йошкар-Ола, 2011. С.39.
8. Михина Елена Владимировна. Налог на недвижимость и перспективы его развития в регионе. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата экономических наук. – Москва, 2005. С.28.
9. Исламжолов А. Бюджет даромадларида бевосита солиқлар тушуми барқарорлигини таъминлаш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертацияси, 2012. – 150 б.
10. Умаров Б. Корхоналар мол-мулкни солиққа тортиш механизмидаги мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари (Ўзбекистон Республикаси материаллари асосида). Иқтисод фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертацияси, 2002. – 142 б.
11. Пардаев У. Ўзбекистонда мулк солиғи тушумлари ўзгариш тенденциялари ва уни барқарорлаштириш йўналишлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, 2016 йил.
12. Paul E.Carrillo.Edgar Castro.Carlos Scartascini. Public good provision and property tax compliance: Evidence from a natural experiment. <https://www.sciencedirect.com/science>
13. Guozhong Zhu,David Dale-Johnson.Transition to the property tax in China: A dynamic general equilibrium analysis. <https://www.sciencedirect.com/science>
14. Мейлиев О.Р. Налоговые факторы экономического развития регионов // *Экономика и бизнес: теория и практика*. 2017. №5. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/nalogoverye-factory-ekonomicheskogo-razvitiya-regionov>.
15. <https://openbudget.uz>-Ўзбекистон Республикасининг “Очиқ бюджет” портали маълумотлари асосида тайёрланган.
16. С.В. Богачев. Налог на недвижимость: зарубежный опыт. Экономика и управление народным хозяйством вопросы имущественной политики РФ, № 4 (187) 2017 г. – С. 68-73.
17. <https://soliq.uz>-Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси маълумотлари
18. <https://mf.uz>-Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти маълумотлари.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида”ги ПФ-5468-сонли фармони.
20. Meyliyev, O. PhD. (2019) “THE EFFECT OF TAX PRIVILEGES ON LOCAL BUDGET REVENUES,” *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 6, Article 13.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss6/13>.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 декабрдаги “Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-6121-сон Фармони.
22. Ўзбекистон Республикасининг солиқ кодекси. <https://lex.uz>